

TOSHKEENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan.

@haqiqatonline

Haqiqat online

haqiqatonline



Ҳар кунинг Наврӯз бўлсин, жонажон Ўзбекистоним!

Маҳмуд ТОИР
Ўзбекистон халқ шоири

*Бизни ўйқуб келган
баҳорга салом*

Ёмғирлар осмоннинг ерга инъоми,
Майсалар заминнине яшил каломи,
Шундек яраларкан умр мароми,
Бизни ўйқуб келган баҳорга салом.

Хар новда кувончи – кўз очеган куртак,
Худодан хушибар кўкармак, унмак,
Аё дўст, бу дамга шукронка керак,
Бизни ўйқуб келган баҳорга салом.

Полапар ловуллар лобар қизлардек,
Оқ булут күш ёқар оптоқ юзлардек,
Сумалак сузишар ифор сузгандек,
Бизни ўйқуб келган баҳорга салом.

Кўнгиллар кўклишар, кўнгиллар гуллар,
Тўйгу тўлқинидан тошади диллар,
Кўр тўқиб дуога очилар кўллар,
Бизни ўйқуб келган баҳорга салом.

Кувонч кўнгирогин чалғувчи фасл,
Мин битта дардинени олгувлечи фасл,
Фасллар париси – асил-да, асил,
Бизни ўйқуб келган баҳорга салом.

Олам қақшаганди қишининг қаҳрида,
Энди энтиқади баҳор бағрида,
Маҳмуд кулоч отар илҳом нахрида,
Бизни ўйқуб келган баҳорга салом.

Ўтган йилнинг
сўнгги кунла-
рида Янгийўл
шахрининг “Баҳт”
маҳалласида яна
бир корхона ишга
тушди. Бошлани-
шига 35 кишининг
бандлиги таъмин-
ланган “Зухро тек-
стиль” МЧЖнинг
асосий фаолияти
мато тўқиши бўлиб,
ускуналар Вьетнам
ва Кореядан келти-
рилган. Корхонада
кунига 400 кило-
грамм маҳсулот
тўқилади.



ҲАР ҚАРИЧИГА ХОРИЖ ХАРИДОР

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

– Тўқимачилик қадимий хунарлардан
бири, – дейди корхона иш бошқарувчиси
Аҳаджон Кодиров. – Уни қадрлаган бор-
ки, албатта, барака топади. Биз ҳам шу
анъанани давом эттиромдамиш. Корхона-
мизда асосан бир, иккى ва уч ипли матолар
тўқилади. Келгусида ишни кенгайтириш
харакатидамиш. Айни пайтда мақбул жой
изляпимиз. Янги корхонада яна 35 иш ўрни
яратамиз.

Корхонада битта ишчи 2 та дастгоҳни бош-
қармоқда. Мато тайёр бўлиши учун биргина
усунада 300 дона нина тинмай “ишлайти”.
Хом ашё Намангандан Қашқадарёдан келтири-
лади. Тайёр маҳсулотлар эса 100 фоиз экспорт
қилинмоқда.

Нозима РАСУЛОВА
/Тошкент ҳақиқати/
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар



БИР ДАРАХТДАН ТУРФА МЕВАЛАР

Маълумки, ҳамма мева-
ли дарахт кўчатлари асосан
куртак пайванд қилиш йўли
 билан кўпайтирилди. Хўш, то-
морқа боғларида ёввойи, пай-
вандланмаган ёки пайвандтагдан
чиқсан ёввойи новдалар ҳисобига
тикланган дарахтларни маданий-
лаштириш учун нима қилиш керак?



Илмий тажрибалар ёрда-
мида аниқландики, дарахт
қанчалик ёш бўлса, шунчалик
пайвандни яхши олади. Ургули
меваларга килинган пайванд-
лар данакли меваларга нисбатан
яхи тутади.

Пайвандлашнинг бир қанча

усуллари (қаламча пайванд,
куртак пайванд, исказа пай-
ванд ва хоказолар) мавжуд
бўлиб, барча усуллар ўсимлик
навини яхшилаш ва ундан
хозири ҳосил олиш макас-
дида амалга оширилади.

3

Дарвоқе

БЕРК КЎЧАДАГИ БЕКОБОДЛИКЛАР ЁХУД ЭНГ ЁМОН СТАРТ

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг
навбатдаги мавсуми старт олди.



Дастлабки турлар
клубларнинг мавсумга
қай даражада тайёрли-
гини кўрсатди. Тошкент
вилоятининг иккى жамоаси –
Олмаликнинг ОКМК
хамда Бекободнинг “Металлург”
и учун чемпионат турли сценарида бош-
ланди. Олмаликликлар
ракабларини бирин-кетин
маглуб этиб, бу мавсумда

ҳам совринли ўринлар
учун даъвогарлардан экан-
нига муҳлислар-у мутахас-
исларни ишонтиришига ҳа-
ракат қилаётган бир пайтда
бекободликлар муммилар
гирдигига тушни колишига
ни аён бўлди...

Ҳақиқатан ҳам, “Металлург” жамоаси сўнгги 7
йилдаги энг ёмон натижани
қайд этмоқда. Бекобод-

ликлар ортда қолган иккى
турда ҳам маглуб бўлиши-
ди. Жамоа 2016 йилдан
бўён мавсум бошиди кет-
ма-кет маглуб бўлмаганди.
Камига, иккى турда ўз-
дарвозасидан жавобиси
олти туп олиб чиқсан хол-
да, чемпионатда гол
урмаган ягона клуб
бўлиб турибди.

3

Кун тасвири



ЮКОРИ ЧИРЧИҚ тумани
прокурори У. Навиев ташаббусига
кўра, туманинг 2-сектор худу-
диаги “Канги”, “Миям қантги”
хамда “Булокбоши” маҳаллалари
ахолиси билан сайдер қабул ўтка-
зилди. Унда фуқаролар ўзларини
кўйнётган муммилар юзасидан
берган саволларига жавоб олиш-
ди. Муддат таълифиган ма-
салалар эътиборга олинди.




АНГРЕЗ шаҳар ҳоки-
мининг биринчи ўринбобо-
сари Я. Наралиев корхона-
на, ташкилот ва мусасса-
рахбарлари билан соҳалар
кесимида амалга ошири-
лиши лозим бўлган гандаги
вазифаларни мухокама
бўйича танловлар ўтказилди. Го-
либларга фахрий ёрлик ва эсадлик
қилди. Шунингдек, қўёш па-
непларини ўрнатиш бўйича
топширилар берди.



БЕКОБОД шаҳрида “Наврӯз –
беш ташаббус билан” шиори остида
байрам тадбири ўтказилди.
Унда китоблар таъдимоти, ас-
фальта расм чизиши, гуллар ва қуш-
лар кўргазмаси, миллӣ ўйинлар
мусобақаси, “Наврӯз таомномаси”
бўйича танловлар ўтказилди. Го-
либларга фахрий ёрлик ва эсадлик
қилди. Шунингдек, қўёш па-
непларини ўрнатиш бўйича
топширилар берди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири
ўринбосари – Зулайҳо
Махкамова ТОШКЕНТ
тумани маҳаллалари-
даги хотин-қизлар фа-
оллари фаолияти билан
танишди ҳамда уй бек-
алари билан мuloқot
килди.





Аҳоли билан фаол ва очик муроқот қилиш мақсадида вилоят ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигига вилоят сектор раҳбарлари ва тегишили масъуллар иштирокида Чирчик шаҳрида навбатдаги сайёр қабул ўтказилди.

Унда шаҳар фуқароларининг ички йўллар тасмири, табиий ва суюлтирилган газ тасминоти, тиббий хизмат, уй-хой ва моддий ёрдам масалаларига оид 150 дан ортик мурожаатлари тингланди.

Мурожаатларниң 35 фоизи шу ернинг ўзида

қонаотлантирилди. Ечими күшимча вақт ва маблаг талаб этадиган масалалар юзасидан масъулларга тегишили кўрсатмалар берилди, ижрои назоратга олинди. Баъзи мурожаатлар жоигига чиқиб ўрганилиб, ҳал этиладиган бўлди.

Ижтимоий ҳимоя

Эҳтиёжманд оиласларга қуёш панеллари

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаевнинг тегишили фармойишига кўра, вилоят маҳаллий бюджетининг 2023 йил бошидан иқтисод қилинган қисмидан дафтарларга кирилтилган эҳтиёжманд оиласларни қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари билан таъминлаш учун 3 миллиард сўм маблаг ахратилди.

Мазкур маблагдан 200 га яқин оила шаҳарондларига қуёш панеллари ўрнатилди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкини, бугунги кунда вилоятимизда қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ишлаб чиқарувчи 20 дан ортик тадбиркорлик субъекти фаолияти йўлга кўйлиши режа қилинди. Уларга солик ва мол-мулк имтиёзлари берилмоқда. Ҳозирда 900

МВт. кувватли фотоэлектр стансияларини куриш бўйича Корея ва Хитойнинг ийрик компаниялари билан келишувга ёришилди. Шунингдек, Юқори Чирчик туманинда Саудия Арабистонининг "Aqua Power" компанияси билан ҳамкорлиқда куввати 400 МВт. бўлган қуёш фотоэлектр стансияларини куриш ишлари бошланган.



Нуронийлар йўқланди

Янги ўл шаҳар ҳокимлиги, туман прокуратураси, "Маҳалла" ҳайрия жамоат фонди бўлинмаси томонидан ҳам нуроний онахонлар йўқланди. Уларнинг 6 нафарига ногиронлик аравачаси ҳамда маъший техникалар соға қилинди.

– Анчадан бери кучка-кўйга чиқолмай, ўйда дикинчафас бўлиб кетгандим, – дейди "Бўстон" маҳалласидаги истикомат қилувчи 1-гурух ногирони Гулбахор ая Джанбирова.

– Энди бемалол баҳорнинг илиқ ҳавоси, гуллар ифоридан тўйиб нафас оламан. Бизни ўйлаганлар барака топишсин.

Шунингдек, жамоат фондинг нуронийлар йўқланнига бўлинмаси томонидан Ойбек номли маҳалла яшовчи 72 ёшли ижтимоий ҳимояга муҳтоҳ фуқаро Клара Гончарова

шу кунларда жойларда "Маҳалла" ҳайрия жамоат фондини вилоят бўлинмининг худудий бўлинмалари томонидан Наврӯз умумхалқ байрами муносабати билан кам таъминланган, эҳтиёжманд нуронийлар йўқланни, меҳр-саҳоват кўрсатилипти.


Ренко ҳамда "Эвалак" маҳалласилик ўзгалар ёрдамига муҳтоҳ 82 ёшли Гулсара ая Анорбоеваларга эсдалик совғалари топширилди.

Фондинг Пискент тумани бўлинмаси ходимлари "Мўмінобод" маҳалласидаги истикомат қилувчи 94 ёшли Эргаш отани хонадонига йўлкаб бориб, шукронга куни ва Наврӯз айёми билан кутлашди.

Н. ЭРКИНБОЕВА
/Тошкент ҳақиқати/

ФИНЛЯНДИЯ ТАЖРИБАСИ:

ТАЪЛИМ РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ



Ҳамкорлик

Ҳабарингиз бор, Финляндия таълим тизими-нинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда муваффақиятларини ўрганиш, таълим сифатини ошириш бўйича фин мутахассисларини вилоятга жалб этиш чоралари кўрилаётган эди.

Шу мақсадда вилоят ҳокими Зойир Мирзаев Финляндия давлатининг етакчи таълим эксперти Тетри Лоунаскорти билан учрашиди. У эндиликда, вилоятимизда таълим бўйича маҳсус эксперт – маслаҳатчи лавозимида иш бошламоқда. Муроқот давомида Финляндия тажрибасини вилоят таълим муассасаларида оммалаштириш

учун, аввало, узоқ муддатга мўлжалланган, 3-5 йиллик дастурлар ишлаб чиқиш зарурати мухокама килинди.

Қайд этилишича, дастурда таълимнинг барча босқичлари қамраб олиниди. Мактаблардаги ўқув юкламалари, дарслар сони, сифати, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, ўқувчиларни ҳаёт билан боғлаган холда ўқитиш тизими жорий килинади.

Шунингдек, Тетри Лоунаскорти Финляндия таълим тизими барча босқичларда, мактабчага таълимдан олий маълумотга қадар белул эканини, ҳар бойда ўқитиш методикаси янгилаб борилишини таъкидлади.

Бундан бўён вилоятимизда ҳар сойда бир марта Финляндия тажрибасини жорий этиш бўйича қилинаётган ишлар вилоят раҳбари хузурида мухокама этилиши маълум килинди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

Мурожаат ва ечим Ёшлар қалбига йўл

Бугун ёшларнинг ўз иқтидор ва салоҳиятларини тўлақонли юзага ҷиқаришлари, ўқиш ва касб-хунар эгаллашлари учун имкониятлар майдони бениҳоя кенгайган. Айниқса, уюшмаган ва маҳалла ёшлари билан ишлашда мутлақо янги тизим ҳаётга татбиқ этилди.

Хусусан, Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" Қарори ана шу йўналишдаги ишларни янада юқори босқичга кўтарди.

Мазкур ҳужжат асосида ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди. Айни дамда вилоятимиздаги 1 минг 2 маҳаллада ёшлар етакчиси самарали фаолият юритмоқда. Улар томонидан ёшларни кўллаб-куватлаш, муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга қаратилган амалий ишлар кўлами кенгашиб бораёттири.

– Жўмладан, жорий йил бошидан бўён "Ёшлар дафтари"га кирилтилган ўғил-қизларнинг 2 минг 560 нафарига амалий ёрдам кўрсатилди.



"Ёшлар дафтари"га кирилтилган ўғил-қизларнинг 2 минг 560 нафарига амалий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, 525 нафар ёшнинг тўлов-шартнома маблаги тўлаб беририлди.

Шунингдек, тадбиркорлик, дехқончилик фаолияти билан шугулланиш истагини билдириган ёшларга ер майдонлари ахратиш ва бошقا катор ўйналишларда амалий кўмак бериб келинмоқда.

Ёшлар етакчилари томонидан олиб борилаётган тадбирлар, айни-

са, ёшлар бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтоҳ йигит-қизларни кўллаб-куватлаш, мурожаатларини алоҳида назоратга олиш борасидаги ишлар ижобий натижалар бермоқда.

Куни кечга бўлиб ўтган навбатдаги муроқот ҳам мазкур ишларнинг мантиқи давом бўлди. Суҳбатда ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, ташабbusларини кўл-

лаб-куватлаш юзасидан фикр алмасили.

Муроқот давомида ёшларнинг тадбиркорлик, бандлик ва таълим соҳасига оид мурожаат ва тақлифлари тингланди.

Унда ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Мирализ Мирсултонов билдирилган ҳар бир масала бўйича агентликнинг туман-шаҳарлардаги масъулларини назоратга олишини маълум қилди.

Ёшлар билан ишлаш, яқиндан ҳамкорлик қилишининг имконияти ва йўллари кўй. Вакт тигизлиги, вазифалар кўплиги юма-юз кўришиб, гаплашиш имконини бермаслиги мумкин. Аммо гайрати нифоҳидан сезиладиган ёшларнинг саволларига бугун жавоб бермаслик, упарнинг шиддатини сўндириб кўйиши ҳам ҳеч гапмас.

Шу бос, бу каби муроқотларни мунтазам ташкил этиб бориш, муаммоларга ўз вақтида ечин топиш билан бирга, ёшлар учун алоҳида мотивация вазифасини ўташи шубҳасиз.

Элбек ШОИМОВ

Матонат



"Губернатор" АММА

1976 йилнинг декабрь ойи. Янги йил кириши арафасида эндиғина 25 ёшини қаршилаган Мавжуда Эргашева уч болали бевага айланди-колди...

дан кечиргандарини эшитар эканмиз, яна бир матонати ўзбек аёли кўз одимизда гавдаланди. Болаларини бокиш, оёқка кўйиш учун 3-4 жойда ишлади. Қишининг совуғио, ёзинг исигида ҳам тинин билди.

Қанчалик банд бўлmasin ҳовли-сигадиги кафтдек ерни ҳам буш кўймади. Томоркада турли сабзватлар етиштириб, сиғир бокиб, сут-катиқ сотди. Фарзандларини оқ ювоб, оқ тараб, яхши тарбия бериб элга кўшиди. Ҳозир хаммалари ўлий-жойли, ўзидан тинган. Биттагина келинига ҳам шу юмушларини ўргатди. Умда опланинг ивittiан геналар: "Қайнонасининг келинида", деб мурожаат килишади.

Эндиқида нуроний ёшга етган Мавжуда айни маҳаллада ҳамма ҳурмат келишиади. Кайвони онахонимиз деб тўр-кишади.

Дарвоже аянинг уйи олдига турли мевали дарахтлар экиб кўйилган.

Пишган вақтида бирорта дарахтнинг

меваси уйга кирмайди, кўни-кўшиларга тарқатилади.

Узоқ йиллар ҳалол мехнат қилиб болаларни оёқка кўйган, улар учун яхши турмуш шароитини яратишга ҳаракат килган Мавжуда ая бугун меҳнатларининг роҳатини кўрмоқда. Фарзандлари, неваран зваралар ардогида умргузаронлик килимокда.

Иродда АРСЛОНОВА

Ўтган йил Янгийўл шаҳрида истиқомат қилувчи хунарманд рассом Нилюфар Ярматовага омадли келди. У “Йил аёли-2022” танловининг республика босқичида 1-уринни кўлга киритди.

Асли қашқадарёлик Нилюфар хунармандлар оиласида катта бўлди. Унинг айтишича, бувиси обод момо ўз даврининг мөхир куроқчи ва каштаси, отаси Карим ака эса олиб маълумотни хайкалтарош бўлган. Нилюфар ҳам ёшлигидан гўзаллик яратишга интилди. Мактабдан сўнг Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва ди-

ўзига хос услубда кўрсата олгани учун “Энг ташаббускор ташкил”, шунингдек, вилоят ҳокимлигининг “Энг наумунали хунарманд аёл”, “Йилнинг энг яхши ижодкор аёл” номинацияси соҳибаси бўлди. Бундан ташкири, ўзЛиДеП томонидан ўтказилган “Ишибалармон аёл – 2022” кўрик-танловининг республика босқичида “Йилнинг

кетма-кет талаба бўлдик. Биз ўртахоп оила бўлганимиз учун моддий етишмовчиликлар ҳам бўларди, албатта. Аммо отам хаммамизни кўплаб-куватла-дилар. Бир воқеа сира ёдимдан чикмайди. Расм чизигиша иштиёқим шу қадар баланд бўлганки, пойабзалим

расми-чи-
зишга иштиёқим
шу қадар баланд
бўлганки, оёқ кийи-
мим йиртилиб кетса-
да, отам берган пул-
га бўёқ олардим.
Кўп чизганим-
дан бўёқларим
тез тугаб қо-
ларди.



Мўйқалам сеърила танилан аёл

зайн институтининг санъатшунослик йўналишини тамомлади. Йигирма йillardири, пойтҳо вилоятга яшаб, самарала ижод қилимокда.

Нилюфар фаолияти давомида катор ютукларга эриши. Биргина ўтган йилнинг ўзида дунор ортиқ танловларда иштирок этди. Жўмладан, Олий Мажлис Сенати томонидан ўтказилган “Энг яхши ижтимоий ташаббус” республика кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичида “Энг яхши ижтимоий ташаббускор фуқаро”, “Ассалом Наврӯз – янгилиши, меҳроқибат ва қадр-қиммат аёми!” шиори остида ташкил этилган сайлуда миллийлигимизни

энг мурувватли ишбилармон аёли” номинациясини кўлга киритган хунарманд сифатида Янгийўл шаҳри титобидан жой олди.

– Мехнат қилган одам кам бўл-маслигини ота-онам кўп утиришган, – дейди Нилюфар Ярматова. – Йотукларимда, айниқса, обод бувимнинг хиссалари катта. Онамнинг айтишларича, 3-4 ёшмидан бувимнинг ёнларида ўтириб, тикаётган кашталарига айтган рангдаги илларини олиб бериб, кўмаклашар эканман. Ишонасими, бувим 95 ёшларида ҳам матоларга кашта со-лардилар. Мен ўша кашталар билан бирга улгайдим. Оиласида уч фарзанд

йиртилиб кетсада отам берган пул-га бўёқ олардим. Кўп чизганимдан бўёқларим тез тугаб қолардиди. Мана, ҳамма қийинчиллар ортда колди. Мўйқаламим менга ижодкорлик баҳтири инъом этиди. Ичимдаги хис-тўйгуларимни суратларим оркали қўрсатишга, одамларга завъ улашига интиламан. Устозим Рӯзи Чориев: “Санъат ҳеч қаён қаримайди, у ўши ва навқирондир”, дер эдилар. Ўзим ҳам ёшлар билан ишланиши ётираман. 100 дан ортиқ шогирдларга устоузлик килдим. Улар билан фарҳанаман. Айниқса, ногиронлиги бўлган шогирдларимнинг ютуқларидан кувонаман.

Эндиликада Нилюфар асарлари оркали хориқда ҳам танилмоқда. Франция, БАА, Тожикистон, Қозигизон, Туркия, Эрон, Россия, Хиндистон каби давлатларда кўргазмалари ташкил этилган.

Унинг мақсад ва орзулари ҳам кўп. Нилюфар санъат ва туризм соҳаларини янада ўйғуллаштиришини истайди. Бетакор асарлари билан хорижлик сайёхларга юртимиз гўзалигини қўрсатиш истагида янги лойиҳалар устида ишламоқда.

Биз ҳам ижодкорга кўлидаги мўйқалами ҳеч куримасин, деймиз. Нигора ЎРОЛОВА /Тошкент ҳақиқати/

БЕРК КЎЧАДАГИ БЕКОБОДЛИКЛАР

ЁХУД ЭНГ ЁМОН СТАРТ

Дастлабки турда ўз майдонида “Нефтчи”га, кейин эса сафарда “Навбахор” клубига бир хил, 0:3 хисобида имкониятни бой берган бекободликлар турнир жадвалининг сўнгига погонасими “қадаст” қилиб олишган. Жамоа бош мураббий, испаниялик Луисма Эрнандес клубининг мұваффакиятлизигин кўйдигача изоҳлади:

– Мавсум олиди тайёрларни кўнгилдаги дей ўтказалаш. Шунингдек, янги футболчиларни жамоага киришиб кетиши ҳам қиин кечмода. Бу эса натижаларга таъсир килияти. Бундан ташкири, айрим футболчиларнинг ишга бўлган муносабатини ўзгаришиш керак. Кола-верса, ҳимоя чизигидаги ўйинчиларда жароҳатлар мавжуд. Оддимизга кўйган мақсадимиз – имкон қадар юрни ўйинчиларни азгаплаш. Бунинг учун ҳали имкониятларимиз етари.


Аслида, жамоадаги мұммоплар ўтган мавсум-дэй кўзга ташланганди. “Металлург” кўйи лигага тушиши афасида турган бир пайдада жамоа бошқарувига Луисма Эрнандес келиб, клубни зўр-базур элитага олиб колиб, салқам қархамонга айланганди. Бироқ, мутасадидлар шундан кейин ҳам ўзларига тегишили хуроси олиммаган кўринади. Боиси, янги мавсумга та ёр га р и к кўриш учун жамоага етари шарорит яратиб берилмади. Қуий лига иштирокчилари хориқда йигин ташкил қилиб, кучли клубларга қарши ўртоқлик ўйинлари ўтказсан бир пайдада бекободликлар Тошкентдан нарига ўтломади.

Бундан ташкири, жамоага олиб келинган янги легионерларнинг маҳаллий футболнчилардан фақат машии кўплигини айтмаса, башка ҳеч қандай устунлик жиҳати сезизмаяти. Афусски, уларнинг аксарияти олдинги мавсумларда башка жамоалар сафиди. Ўзбекистон чемпионатда иштирок этиб, бирор ишни кўйиллатмаган.

Одатда, олдига маълум мақсад қўйган жамоа шунга яраша пухта тайёрларик кўради, таркиба бир неча бўлса ҳам сифатли футболнчиларни жалб қилиади. ОКМК жамоаси бир неча йилдан бери буни исботлаб келмоди. Айтишингиз мумкин, олмаликлар моддий томондан кучли деб. Лекин, “Металлург” клубига ҳам сармоя киритилгаётган ийк.

Шунан бирга, ОКМК чемпионатда совриндорлар каторида бўлиш, ҳалқаро турнирларда иштирок этиши оркали сарфланган пулларни ортига билан қайтармоқда. Бекобод клубида эса ана шундай аниқ тизим ишлаб чиқилимаган. Улар доим бир нарсанси – Суперлигада жон саклашни мақсад қилишган. Бу эса клубни боши берк кўчага тиқиб қўймоқда.

Суҳробжон САДИРОВ
/Тошкент ҳақиқати/



БИР ДАРАХТДАН ТУРФА МЕВАЛАР

қисмасига боф муми ёки оддий лойиҳаларни санъатни ўтказади. Искана пайванд – асосан, ниҳолларни маданийлаштириши ва дарахтни навини янгилаш ёки битта дарахтда бир неча хил нағавди мева ҳосил килиш учун ишлатиди. Бунда ҳам юқоридагича йўл тутилади: пайвандтагда ўсиш харакати бошланиши билан пайвандда амалга оширилади. Унинг устуки кисми кесиб ташланиб, танасида кўндалан ёрик (ўрма) ҳосил қилинади. Махсус чиқоқ ёки пона билан ўнинг ёрғинига очиб туриш талаб этилади. Пайвандуст 2-4 бўйини килиб кўриб олиниади (асосан, калам қалинлигига, яъни 5-10 миллиметр йўғонлидига). Унинг устуки томони куртакдан 2-3 миллиметр тепа-роқдан кесилган бўлиниади.

(Давоми. Бошланиши ўтган сончарда)
Пайвандда усуллари бир неча хил ўрбилиб, кўйдагиларидан кўпроқ фойдаланилади. Искана пайванд – асосан, ниҳолларни маданийлаштириши ва дарахтни навини янгилаш ёки битта дарахтда бир неча хил нағавди мева ҳосил килиш учун ишлатиди. Бунда ҳам юқоридагича йўл тутилади: пайвандтагда ўсиш харакати бошланиши билан пайвандда амалга оширилади. Унинг устуки кисми кесиб ташланиб, танасида кўндалан ёрик (ўрма) ҳосил қилинади. Махсус чиқоқ ёки пона билан ўнинг ёрғинига очиб туриш талаб этилади. Пайвандуст 2-4 бўйини килиб кўриб олиниади (асосан, калам қалинлигига, яъни 5-10 миллиметр йўғонлидига). Унинг устуки томони куртакдан 2-3 миллиметр тепа-роқдан кесилган бўлиниади.

(Давоми. Бошланиши ўтган сончарда)

Эгиҳзак гаплар ёки шамол тегмажан ҲАНГОМА

Гап ёқмай ўлсин-о, ёқмай ўлсин! Ёғдай ёқадиган ёқимли, малҳам гаплар бор. Тошдай ботадиган ҳарсанг гаплар бор. Жонга азоб берадиган тикон гаплар бор. Кайфиятни кўтариадиган, хушбўй гаплар бор. Кўнгилни айнитадиган тусиз, ёқимиз гаплар бор. Думба ёғидан тайёрланган мулоим ва ўмшоқцина кўйдай ювон гаплар бор. Бундай гапдан ҳамиши, ҳар доим эҳтиёт бўл! Акс ҳолда ёзаштавериб, ёғдай эриб жизза бўлиб кетасан. Жизза гапдан, албатта, изза гап-

чиқади. Изза гапдан сўнг, тизза гап ҳам бўлиши мумкин. Бир қўшиқда айтилганидек: “Нега ўз ҳолимга кўймайсан, эй гап?”

Элақда эланадиган майди, митти, кичкина чимчалоқ, ушоқ гапчалар бор. Улар туфайли эл оғзини бекитиб, элак тутиб бўлмайди. Тўхтамасдан элайверади, элайверади. Қулоғинг ҳам, тилинг ҳам чарчаб кетади. Шунда ҳам элак эринмай майд-чўйда гапларни элашдан тўхтамайди. Аслида майди гап катта гапдан кучли. Герак бўлса,

катта-катта гапларни яксон этиб, чилпарчин қилиди. Катта гап тоғ бўлса-да, майди гап уни қулатади. Майди гап бомбадан кучли. Майди гап вирусга ўшаб тез юқади ва тез таркайди. Майди гап – катта гапнинг жилови. Сичқон бутун бошли дон тўла омборни пайхон этиб кемирганидек, майди гап ҳам одамни адом ташкил этибди. Батъи ҳолларда тутобу тикиади...

Гапларни яксон этиб, чилпарчин қилиди. Гапнинг жилови. Сичқон бутун бошли дон тўла омборни пайхон этиб кемирганидек, майди гап ҳам одамни адом ташкил этибди. Батъи ҳолларда тутобу тикиади...



майди. Кун давомида, кечқурун ва кечаси ҳам гап ором олмайди, мижжа қоқмайди. Ўйку нималигини билмайди. Гапга тинчлик, жимжитлик бегона. Гап эса доим ҳаракатди. Ҳаракатда барокат бор, дейшиди-ку! Ҳали ҳам тегирмондан бутун чиқадиган устомон, хийлакор гаплар борлигини унутмайди...

Мақолда айтилгани каби “Эл оғизга элак тутиб бўлмагани”дек, гапларни ҳам тўхтатиш бефойда...

Ашурали ЖУРАЕВ
(Давоми бор)

Сўраган эдингиз

– Айрим ер участкаларини ажратишдан олдин уни давлат мулки сифатида рўйхатдан ўтказиш шарт эмас деб эшилди, шу тўғрими?

Азиз ЖАББОРОВ
Оққўргон тумани

Саволга Тошкент вилояти Аддия бошқармаси баш маслаҳатчиси Камолиддин ДАСТАМОВ жавоб беради:

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августрдаги “Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишига ажратишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги карорига асосан давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларинг ўзини ўзи бошқариси органлари, кўп квартирилар улар мулкдорлари фойдаланишида бўлган, бироқ ер участкаларини ажратишнинг 2021 йил 27 августрдаги “Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишига ажратишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги карорига асосан давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларинг ўзини ўзи бошқариси органлари, кўп квартирилар улар мулкдорлари фойдаланишида бўлган, бироқ ер участкаларини ажратишнинг 2021 йил 27 августрдаги “Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишига ажратишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги карорига асосан давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларинг ўзини ўзи бошқариси органлари, кўп квартирилар улар мулкдорлари фойдаланишида бўлган, бироқ ер участкаларини ажратишнинг 2021 йил 27 августрдаги “Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишига ажратишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги карорига асосан давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларинг ўзини ўзи бошқариси органлари, кўп квартирилар улар мулкдорлари фойдаланишида бўлган, бироқ ер участкаларини ажратишнинг 2021 йил 27 августрдаги “Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишига ажратишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги карорига асосан давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларинг ўзини ўзи бошқариси органлари, кўп

Вилоятимизнинг ардоқли фарзанди, шоир Барот Истроининг номи ижод ахлига, шетрият, адабиёт муҳлислариға, айнича, кўшик шинавандаларига малум ва машихур. Сабаби, оддий дехқон ўғли бўлган заҳматкаши шоирнинг ўнлаб китоблари чон этилган бўлса, юзлаб шеърлари дилрабо, дилтортар кўшиклирга айланганки, бу дилбар тароналар аллақачонларданоқ ҳалқ мулкига айланисб, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг олтин фонидан мунособи ўрин эгаллаган.

Хар сатри бир гулдаста...

Ўзбекистон ҳалқ артистлари Юлдуз Усмонова ижорасидаги "Настарин", Нуриддин Ҳамроуков ижро этган "Тулпорларим", Ортик Отажоновнинг "Тингла, диёр", "Оқ оптин" каби бетакор қўшиклири, Ўзбекистон Республикаси хизмат кўрсатган артистлар Азим Муллахонов ижро этган "Субатингта ташнаман", Тошпўлат Маткаримов жаранглатган "Айнам-ов", "Гулбогонгиз", Гулбахор Эрқуловага кўйлаган дилбар қўшиклиар... Эҳ-е, бу рўйхатни яна анча давом этиширас мумкин. Маълумотларда келтирилишича, Барот Истроил ижорига мансуб шеърлардан яратилган қўшиклиар 200 дан ортиқ экан.

Шупардан бири – хувоуз хонандада Зоҳида Умарова қойилмақом қилиб ижро этган "Юрт қадри" қўшифи ни бил эслаб кўринг-а!

Дарбадар кезмаса ким,
юрт қадрин билмас эмиш,
Мусофир бўлмагунча,

чиндан ҳам, юрт қадри мадж

этилган гўзл ва бетакор тарона бу!

Бир қатор ҳориж давлатларида Юлдуз Усмонова ижорасидаги ва она тилимизда жаранг сочган, юртимизда ҳар йил илк баҳорда майдай-майдада гуллайдиган настарин гули ҳақи-

даги қўшиқ эса ўзбек қўшиклиги латофати билан бирга гўзл диёризм тароватини, гуллари ифорини ҳам дунёга таратди.

Биз ҳалқимизга багри маъданлар, ҳазиналарга тўла азим Қурама тог тизмаларининг сарбандик викорлари-ю шу тоглардек гурури баланд, аммо содда ва сергайт меҳнат ахлини шиддатини, бурама сойли зилол сувларни кийк кўзли сувлувлари кўрку таровати билан файз ва завқшавқа тулиб тошган "Айнам-ов" қўшиғи учун ҳам шоирдан миннатдор бўлишишимоз лозим. Бу тарона вилоятимизнинг яна иккӣ ўторак фарзандлар – бетакор бастакор Анор Назаров ва истеъододли хонанда Тошпўлат Маткаримов билан бирга яратилган.

Дарважа, Барот Истроининг ўзи ҳам ана шундай улугвор тогу адирлар багрида камол топган. Уша пайтларда Ўрта Чирчик тумани ҳудудида бўлган олис гўша – Курмана тогларига туташ "Тошсой" кишлопида 1938 йилнинг 15 марта түгилган. Бўлгуси шоирнинг илк "Имтиҳон" номли шеъри Ўрта Чирчик туманининг "Машъал" газетасида 1964 йилда босилиб чиқкан.

Ҳалқимизга ўнлаб гўзал шеърий

тўпламлар билан биргалиқда "Алишернинг ширин тили", "Туронлик авлиё", "Хастимон", "Ер ва шер", "Онаизор", "Довон ошган довораклар" каби қатор лирик ва эпик асарлар, достонлар ҳади этиган Барот Истроининг замонавий ўзбек адабиётида ўз ўрни ва ўз овози бор.

Элу кортини, тулиги ўсан она тупрогини, ҳалқи ва Ватанини сидидилдан тараённан этиган, ўзи ҳам ана шу заминде хоккор, заҳматкаш шоирнинг икоди, меҳнатлари давлатимиз томонидан мунособ этириф этилиб, "Шурхат" медали ҳамда "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланган.

Ватан тўйғусини, она диёрга бўлган меҳр-муҳаббатини баҳор гуллари латофатидек нағис ва бекирим пардаларда тараённан этиган шоир бу илғли кўкламнинг айни фуслонкор дамларида кутлуг 85 ёшини нишонламоқда. Ҳассос шоирни вилоятимиз ахли, адабиёт ва санъат муҳлислари номидан қизигин кутлаб, юзинчи баҳорлар билан ҳам дийдорлашиб саодатини тилаймиз.

**Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчilar
уюмаси аъзоси**

Ҳалқимизга ўнлаб гўзал шеърий

Фаройиб топилма

Яқинда ижтимоий тармоқларда Бўка туманидан ноёб топилма топилгани ҳақида ёзиши. Мазкур маълумот нечоглиқ ҳақиқатга яқинлигини билиш мақсадида ЎзФА Миллий археология маркази катта илмий ходими, фан номзоди Дилмурод Нормуродов билан сұхбатлашдик.

– Аслида ушбу археологик ёдгорниклар аҳоли томонидан топилган, – дейди д. Нормуродов. – Туманинг турли ҳудудларидан олиб келинган 5 дона күполлилар қўймалар: 2 та хум, 3 та кўза ўрганилганда тарихнинг яна

бир саҳифаси очилганидан ўзимиз ҳам бехабар эдик. Текширилган ҳумларининг танаси тухумсимон, таги ясси, оғзи ташқарига қайрилиб, бир оз қалинлашган деди. Улардан бирининг юқори кисми айланасининг 31 жойига бармоқ босиб ботиқ безак берилган. Кўзанинг эса иккитаси тухумсимон, биттаси тошбакасимон кўрнишада. Тухумсимон кўзларининг таги ясси бўлиб, бирор балодқоли, иккинчиси 2 балодқоли. Тошбакасимон кўза бошқаларидан кўра ачча пишик ясалганд.

Унинг бўйин кисми синган, оғзи сакланмаган. Баландлиги 13,5 сантиметри кўзанинг таги ҳалқасимон шаклда кўтарилиган. Унинг бўйин ва елкаси уланган жойида бўртма безаклари бор. Ўрганилган ашёларнинг 4 таси Тошкент воҳасининг ўрта асрларга оид археологик ёдгорликларидан топилган. Айнинча, улар орасида сиртига аёл қиёфаси бўрттириб ишланган 5-тошбакасимон кўза ноёбдир. Тахмин килинишича, бу юнон маъбудасининг тасвиридир. Шу каби киёфа Туркияда милоддан аввали II асрда кўрилган Аполлон ибодатхонасининг размзи – мармарга ўйилган Медузага ўхшайди.

Бундай идиши Тошкент вилоятida илк бор топилди. У қадимига юнон анъанаисига мос раввища ишланган. Бу қадимига Чоч (Тошкент) ҳудудига салавийлар саркарлардаси Демодамнинг (милоддан аввали II аср) келиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Бўкалини мөнгат фахрийи ўнгор Жиянбековнинг таъқидлашича, айни пайтда туманда музей ўйларига босис аҳоли томонидан келтирилган тарихий ашёлар турли жойларда сакланмоқда.

Дарвоҷе, вилоятимиз ҳудудида халиқ очилмаган сир-синоатлар куп. Аммо уларни асрар-авайлашда мутасдиларнинг ўюшкоғлиги лозим.

Нигора ЎРОЛОВА
/Тошкент ҳақиқати/

ФОШ БЎЛМАГАН ЁЛГОН

Урушанимни айтсан, калтакнинг тагида қолишим аниқ. Миям-яшин тезлигига "ит тишлади десами", фикри келдию лоп этиб оғзимдан чиқиб кетди. Шу билан тинчиб кетади, десам, қәёқда?

Қайтара ростмана тў通俗он болшанди.

Йудагилар дарҳол шифохонага этишиди. Касалхонадаги сочларига эндиғини оқ оралаган, хушумомала шифокор опа кўчадаги бегона ит тишлари ёмонлиги, агар у ит кутурган бўлса, бемор – яъни мен ҳам "кутириш"имни айтганда, азози баданим тираб, кўз опдим коронилашиб, ўзим тўйиган ёлғонга чипла-чиш ишондим, қолдим. Коғозга аллақандай дориларни ёзиб, итни топиб бир ҳафта давомиди ўйда парваришларини айтиди. Ўнда касаллик аломатлари сезилмаса, ҳаммаси яхши бўлиб кетар экан.

Касалхонадан чиқиб, мактабимизни ёнидаги кўчаларга кирдик. "Жаъвобарликка тортиш" учун итни изладик. Йўлакай бегона итга кўзим тушса, ўзимга ўзим "Ийъ, бу эмас, буни тутишинг ўзи бўла-дими? Устига-устак шу ҳолимда", деб кўйман ҳар замонда.

Отамнинг кўлида коп, итни ушлаб соламан деб турибди. Бир пайт ўйлёттида ҳеч кимга озори тегмай майсалар устида ўйнаётган кучукчани кўрдиму "мана-мана"ладим.

Отам кўлидаги коп билан кучукчани кува кетди. Кучукча бор кучи билан юргусада, барбири қолга тушди.

Үйда уни бир ҳафта парваришлади. Азбарой, ўша кучука мөхримис ортиб, хонадонимизда олиб қоладиган бўлдик.

Кучукча эгали бўлганидан, мен эса ёлғоним фош бўлмаганидан мамнун эдик.

Ўткир ҲОШИМОВ
/Тошкент ҳақиқати/

Ўткир ҲОШИМОВ
/Тошкент ҳақиқати/

"Тошкент ҳақиқати" йўқлови



Юрт қадри

Дарбадар кезмаса ким юрт қадрин билмас эмиш, Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас эмиш.

Тома-тома кўл бўлур деганлари рост экан, То умрбод уқмаса ким ақли ҳам тўлмас эмиш.

Ватан тупрогига бош қўймагунча хаста ҳам, Ҳаётдан умид узмай-жон таслим кўлмас эмиш.

Сидқи дил заҳмат бирла бахт томон очмасанг ўйл, Ўзгелар соясинда толейнинг кулмас эмиш.

Мушкунли четлаб, чўчиб, осонни кўзлама ҳеч, Эл ишидан қочса ким обруй қолмас эмиш.

Манманлар кўкка сапчиб, шунчалик кетар тубан, То дакки емагунча ўзига келмас эмиш.

Имон-эътиқод ила Ватанинни сев, Барот, Ионсон зар, дунё билан баҳтиёр ўлмас эмиш.

Жастарин

Богимда настарин бор, Гуллайди ҳар илк баҳор. Настарин гули майдад, Бундай гул бордир қайдай?

Ҳар шохи бир гулдаста, Атргиа дил пайваста. Жимжимадор гуллари, Ўннашар бое еллари.

Настарин гул кўлимда, Кўлимдамас кўнглимда. Богимда настарин бор, Гуллайди ҳар илк баҳор.

Оҳангарон йўли

Ўлан айтсанг жўшиб айт, Сўзни сўзга эшиб айт. Телав, Тошой, Оҳангарон Сулувларин қўшиб айт.

Баланд тови Қурама, Жилға, сойи бурама. Кийик кўзли қўзларга, Ёмон кўзман қарама.

Манов тонгнинг тўшида, Симу зар мўл тошида. Маъдан шахри Олмалик, Заргарлар иш бошида.

Қирида дон қайроқи, Кақликлари сайдроқи. Қоясида мўмий.

Кураманинг довони, Орти водий, Кўлони, Оҳангарон дарёсидан ўтган Бобур карвони.

Мехмандўстидир барчаси, Очиқ эшик, дарчаси. Қадим Илок водийи – Туроннинг бир парчаси.

Бирор номард бердими панд, Ё бергона этдими банд, Оғо айла, кишина баланд, Бойчуборим қайдә қолдине,

Гиротим қайга ўйқолдине?

Жайхуну Сайхунни кечиб, Қимтиғандек күшдек учиб, Суевлик тишлаб, ўйнаб, сапчиб, Бойчуборим, қайдә қолдине, Гиротим қайга ўйқолдине?

Алномишинг кутар бедор,

Авазхон ҳам яёв ночор,

Наҳот түёғинада мих бор,

Бойчуборим, қайдә қолдине,

Гиротим қайга ўйқолдине?

Барот ИСРОИЛ



Toskent haqiqati
Tashkentskaya pravda
gazetalarini tahrir hayati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hayati raisi)

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Shavkatjon RAHIMOV

Tohir ARIPOV